**ИМКОНИ БОРМИ?**

*Биз бир неча йил давомида фарзандли бўлмаганлигимиз сабабли бир чақалоқни фарзандликка олдик. Ҳаммаси қонуний тартибда расмийлаштирилди. Лекин болани доимий равишда парвариш қилиш учун битта одам, яъни онаси ҳар доим ёнида бўлиши керак. Айтингчи, бунинг учун таътил олса бўладими?*

4 бет

**ОТА ФАРЁДИ**

*Ота нола қилади-ю, қай бир фарзанди учун фарёд ураётганини англаш қийин... Ерда юзтубан ётиб, ҳаёт билан видолашаётган катта ўғли учунми ёки аканинг кунда-кунора маст-аласт келиб, тўполон кўтараверишидан безиб, қўлини ўз жигари қонига бўяган кенжаси учунми?!*

6 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 19-dekabr, №51 (884)

*Жорий йилнинг 12-13 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.*



# Муҳим масалалар муҳокамаси

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
«Huquq»

Ялпи мажлисда сенаторлар ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш каби муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Даставвал, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқдилар ва ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Айтиш жоизки, Олий Мажлис Сенатининг қарорида судланган аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини, шунингдек, бир қатор бошқа тоифаларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шунингдек, Сенат қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қарорининг қўлланиш тартибини белгилаган бўлиб, унда амнистия бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартиб-тамойили белгиланган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқдилар ва муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Бундан ташқари, сенаторлар "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шу билан бирга, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асосий принциплари ва қоидаларини ифодалайдиган, Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сенаторлар шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Жараён

*Янги асрда — тезкор, ахборот-технологиялари ва компьютерлар асрида яшаяпмиз. Янгидан-янги фикр, ғоя ҳамда ташаббуслар ҳам шу даражада тез ва кўплаб ўртага ташланмоқдаки, уларни амалга ошириш баъзан осон кечмаяпти. Қилинаётган бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад эса битта, аввало, фуқароларнинг эркин ҳамда фаровон ҳаётини, уларнинг истиқлол меваларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, албатта.*

# Улуғ мақсадлар йўлида

**Мирзоҳид ОБИДОВ,**
Тошкент шаҳар прокурори

Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, сўнгги йилларда пойтахтда Президентимиз раҳнамолигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормоқда. Замонавий иншоотлар, турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари ҳамда миллий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номли Миллий кутубхонани ўз ичига олган "Маърифат маркази", Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, "Бунёдкор" спорт мажмуаси сингари иншоотлар мазкур йўналишдаги бунёдкорлик ишларининг ёрқин намунасидир.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2013 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида, азим пойтахтимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айланиб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг ғурур-ифтихори ва меҳрини уйғотиб, жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, мазкур сессияда Президентимиз шаҳарда кейинги йилларда эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида сўз юритиш билан бирга, олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанага айланган бўлиб, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва йил давомида амалга оширилмоқда. Ўтган давр тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда муайян вақт оралиғида бажарилиши белгиланган вазифаларни юксак самаралар билан амалга ошириш имконини беради.

*/Давоми 3-бетда/*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

*/Давоми 4-бетда/*

**Обуна — 2014**

2014 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта алоқаси бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.



НАШР ИНДЕКСИ – 231

*Инсон борки, бировга ҳавас қилиб яшайди. Баъзилар эл-юртда ҳурмат қозонган, обрў-эътиборли инсонларнинг йўлини берсин, дея шунга яраша ҳаракат қилса, яна аллакимлар бой-бадавлатларга ҳавас қилиб, қандай бўлмасин, уларга ўхшаш пайига тушадилар.*

# Ҳавасда ҳам ҳавас бор...

**Сирожиддин НОМОЗОВ,**
Термиз шаҳар прокурори

Сурхондарё вилоятидаги касб-ҳунар коллежларидан бирида ишлаб чиқариш таълими устаси вазифасида ишлаб келаётган Қаҳрамон Сайфуддинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам кимларгадир ҳавас қилди. Афсуски, у ҳурмат эмас, балки пул топишга, ўзининг ҳам чўнтаги пул кўришига ҳавас қилди-ю, бунинг учун эгри йўлни танлади.

Ҳаммаси юртимиздаги ўқув даргоҳларига ҳужжатлар қабул қилинаётган пайтда юз берди. Одатдаги иш кунларининг бирида Қаҳрамон Сайфуддинов фаолият юритаётган коллежда таҳсил оладиган талаба унинг ёнига бир аёлни бошлаб келиб, "холам бўлади", дея таништирди-да, холасининг ўғли шу даргоҳга ҳужжат топширганини маълум қилди ва имтиҳонларнинг вақти ҳамда тартиби билан қизиқди.

Ушбу мурожаат нима учундир Қ.Сайфуддиновга ўзгача таъсир қилди. У бу ҳолатдан фойдаланиб қолишни, аниқроқ айтганда, бир нималик бўлиб қолишни режалаштирди. Шу сабабли, боласини ўқишга киритиш ташвиши билан юрган онага юзланиб, бу иш осонлик билан битмаслиги, агар 600 минг сўм берса, барчасини ўзи ҳал қилиб беришини, йўқса ўғли коллеж талабаси бўлолмаслиги ҳақида ваъз айта бошлади.

Унинг гапларидан ҳайрон бўлган аёл нима учун пул тўлаши кераклиги ҳақида сўраган эди, "ҳожатбарор" уста вилоят коллежлар бошқармасидаги мутасаддиларга илтимос қилиб, талабалар сонини кўпайтириш лозимлиги, бунинг эвазига уларга ҳам "узатиш" кераклигини шама қилди. Аёл бунча қийматдаги маблағи йўқлигини, озроқ камайтиришни сўраган эди, эртасига қўнғироқ қилишга ваъда берди. Эртаси куни уста аёлга телефон қилиб, охирги нарх 500 минг сўм эканлиги, ундан камига ишни битириб бўлмаслигини хабар қилди. Аёл унга розилигини билдирди ва пулни топган заҳоти қўнғироқ қилишни ваъда қилиб, ўзи ушбу ҳолат юзасидан тегишли органларга хабар беришни лозим топди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, аёл Қ.Сайфуддиновга телефон қилди ва пулни қаерга олиб бориш кераклигини сўраган эди, у томондан "Термиз шаҳар автобекатидаман. Шу ерга олиб келаверинг", деган жавобни олди. Кўп ўтмай улар айтилган жойда учрашдилар. Қ.Сайфуддинов аёлдан келишилган қийматдаги пулни олди-ю, кетишга улгурмади. У шу заҳоти ашёвий далил билан қўлга олинди.

Шундай қилиб, пул топишга ҳавас қилган, аммо аксарият юртдошлари каби бу ишни ҳалол меҳнати орқали амалга оширишни эп кўрмай, осон йўлини қидирган кимса жиноий жавобгарликка тортилди ва суд томонидан унга қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.

# Доимий эътиборда

*Фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Таълим, ижтимоий ҳимоя, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳуқуқбузарликлардан асраш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ана шу олижаноб мақсадга хизмат қилмоқда.*

**Муқимжон ПЎЛАТОВ,**
Сўх туман прокурори

Туман прокуратураси томонидан "Таълим тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўн ойи мобайнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 11 маротаба текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан 92 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ўн икки йиллик мажбурий таълим тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ равишда барча болалар ўқишни қолдирмай тўкис билим олишларини, касб-ҳунар асосларини пухта эгаллаган битирувчиларнинг ишга жойлашишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таҳлилларга кўра, тумандаги 1 та академик лицей ва 3 та касб-ҳунар коллежларида 1034 нафар ўқувчилар турли йўналишларда таълим олиб келишмоқда. 2012-2013 ўқув йилида лицей ва коллежларнинг 700 нафар ўқувчилари ўқишни битиришди. Битирувчиларнинг 10 нафари олий ўқув юртларида таҳсил олишни давом эттиришмоқда. 602 нафар битирувчилар уч томонлама шартномалар асосида ишга жойлаштирилди. Касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида 5 маротаба меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Бўш иш ўринлари ярмаркаларида иштирок этган 448 нафар битирувчи-ёшларнинг 109 нафари иш билан таъминланди. Туман прокуратураси томонидан сабзавотчилик ва боғдорчилик йўналишида ўқишни тамомлаган коллеж битирувчисига боғдорчиликка ихтисослаштирилган янги фермер хўжалигини ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Таҳлилларда эътиборга молик ишлар билан бирга ёшларнинг таълим олишларига совуққонлик билан қаралиб, барча ўқувчиларни ўқишга тўлиқ жалб этиш борасидаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳолатлар кўзга ташланди. Хусусан, Фарғона политехника институтига қарашли Сўх академик лицейи, Ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ижросини ўрганиш жараёнида бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Таълим муассасаларининг ходимлари айрим ўқувчиларнинг дарсларга қатнашмай лицей ёки коллежларнинг ҳудудидан ташқарида назоратсиз юришганига, сабабсиз дарсларни мунтазам равишда қолдиришаётгани ва ишлаш учун республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишганига эътиборсизлик билан қараб келишган. Энг ачинарлиси, давоматни таъминлаш, тўлақонли билим олиш иштиёқини шакллантиришлари лозим бўлган ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам белгиланган дарс вақтларида лицей ва коллежга келмаган ва узлуксиз таълим беришдан иборат мажбуриятларини бажаришмаган, ўқувчиларни назоратсиз қолдиришган ҳолатлар ҳам учради.

Қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган лицей ва коллежларнинг 15 нафар ўқитувчилари интизомий жавобгарликка тортилди. Таълим муассасаларининг раҳбариятига қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилди. Айни чоғда мунтазам равишда дарс машғулотларига қатнашмаётган 48 нафар ўқувчининг ота-оналари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу тариқа давоматнинг яхшиланиши, сабабсиз дарс қолдириш ҳолатларининг бартараф этилишига эришилмоқда. Айни чоғда ишлаш мақсадида республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган ўқувчиларнинг 25 нафари қайтарилиб, ўқишни давом эттиришлари таъминланди.

*Инсон ўзидан зурриёт қолдириш билан ҳаётининг давомийлигини таъминлайди. Бу табиат ва жамият қонуни. Фарзанднинг дунёга келиши оила учун катта қувонч. Уни тарбиялаш, ўқитиш, вояга етказиш ота-онанинг муқаддас бурчи.*

# Ношукурлик қилманг

**Ахтам НАВРЎЗОВ,**
Китоб туман прокурори

Инсон бир умр ана шундай бахтни орзу қилиб яшайди. Ҳатто бола тарбиялашнинг ташвиш-тараддудлари ҳам ота-она учун ширин. Зеро, фарзандлар камолини кўриш, вояга етган йигит-қизларни элга қўшиш, Ватан хизматига сафарбар этиш, тўй-томошалар қилиш ҳаётнинг бетакрор дамларидир.

Афсуски, баъзи бир кишилар бундай дамларнинг қадрига етмай катта хатоликларга йўл қўядилар.

Китоб туманининг Шатри қишлоғида яшовчи фуқаро Муҳиддин Яхшиев яхши ниятлар билан Гуландом Одинаевага уйланган эди. 1999 йил 13 ноябрда фарзандли бўлишди. Қизалоққа Мафтуна деб исм қўйилди. 2000 йил 5 февралда Машҳура туғилди. Аммо оиланинг "девори"-га дарз кетди. 2010 йилга келиб улар ажрашишни маъқул кўришди. Мафтуна ота тарбиясида қолди, кичик қиз онаси билан бирга туғилиб ўсган хонадонини тарк этди. Энди ёлғиз она учун фарзандини моддий жиҳатдан таъминлаш оғирлик қила бошлади. Натижада 2011 йил 6 июнда фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг қарори билан Муҳиддин Яхшиевдан собиқ турмуш ўртоғи Гуландом Одинаева фойдасига, қизи Машҳуранинг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми микдорида алимент ундириладиган бўлди. М.Яхшиев бу қарорга бир неча муддат амал қилди, аммо кейинчалик ҳеч қаерда ишламаётгани ва турмуш шароитининг оғирлигини баҳона қилиб, фарзандининг моддий таъминотини узиб қўйди. Суд ижро бўлимига иш ҳақи ва бошқа даромадлари тўғрисида маълумот тақдим этмади. Суд ижро бўлими томонидан кўп марта қилинган огоҳлантиришларга қарамасдан, 2012 йил 1 сентябрдан 2013 йил 15 июлга қадар жами 1 миллион 426 минг 709 сўм миқдоридаги алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келди.

Судланувчи М.Яхшиев ушбу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этди. Ваҳоланки, туман суд ижрочилар бўлимининг суд ижрочиси вазифасида ишлаб келаётган Жасурбек Жуманазаров парвойи фалак отага агар белгиланган алиментни тўлаб бормаса, ЖКнинг юқорида кўрсатилган моддаси асосида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда тушунтирган ва огоҳлантирган эди.

Суд судланувчи М.Яхшиевга жазо тури ва меъёрини тайинлашда Олий суд Пленуми қарорларига риоя қилган ҳолда, содир этилган жиноятни ҳар томонлама ўрганиб ҳамда ундирилиши лозим бўлган 1 млн. 426 минг 709 сўмнинг 500 минг сўмини тергов даврида тўлагани, кейин уйланган турмуш ўртоғидан ҳам икки нафар ҳали вояга етмаган фарзанди борлиги, оиланинг ёлғиз боқувчиси эканлиги ва қарамоғида кекса онаси ҳам борлигини ҳисобга олди. Шу ва бошқа сабабларга кўра, унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ва туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, тўланмаган алимент пулларини фуқаровий даъвогарнинг фойдасига ундиришни лозим топди.

Ўз фарзандини тақдир ҳукмига ҳавола қиладиган оталар, афсуски, битта-иккита эмас. Масалан, Дилмурод Юлдашев ҳам ўз фарзандининг моддий таъминотини ўйламайдиган парвойи фалак оталар жумласидан эди. Аммо қонунга рўпара келгандан кейин эс-ҳушини тўплаб олди. Бу фуқаро Мусулмон ва Аслбек исмли ўғиллари тарбиясидан воз кечди. Фарзандлари тарбиясини турмуш ўртоғининг ёлғиз ўзига ташлаб, уйидан чиқиб кетади ва Китоб туман суд ижрочилари томонидан берилган огоҳлантиришларга қарамай, болаларининг моддий таъминотига умуман қарамай қўяди. Бундан қаттиқ ранжиган Хуршида Эгамбердиева (хотини) 2012 йил октябрь ойида алимент ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судига ариза билан мурожаат қилади. Бундан ақли кирган Дилмурод хотини билан ярашади ва алимент пулларини (1 687 073 сўм) тўлиқ тўлаб, ундан кечирим сўрайди.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ярашиш тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда ёзилганини, Д.Юлдашев ўз айбига иқрор бўлгани ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, тўланмаган алимент пулларини тўлиқ қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан ҳеч қандай хусумати йўқлигини ҳамда тарафларнинг ярашувга розиликларини инобатга олиб, Д.Юлдашевнинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Шунингдек, Юсуф Холов, Ҳидоятилло Ҳайдаровнинг ҳам ўз турмуш ўртоқлари билан ярашиб олганликлари сабабли худди юқоридаги тартибда уларнинг айблилик масаласи ҳал этилмасдан тугатилган.

Фарзанд — Аллоҳнинг инояти, инсон умрининг давомчиси, келажакнинг эгаси. Шундай экан, оилангизни мустаҳкам сақланг, фарзандларингизни тақдир ҳукмига ташлаб қўйманг, ношукурчилик қилманг.

# Улуғ мақсадлар йўлида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Шу билан бирга, истиқболдаги бир неча йил учун замин яратиб, ривожланиш йўналишларини белгилаб олишга кўмаклашади. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган вазифалар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада равнақ топишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш юртимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилидир.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари изчил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, шаҳар ҳокимияти статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, 2013 йилнинг январь-ноябрь ойларида Тошкент шаҳрида янги объектларни ишга тушириш, шунингдек, фаолият юритаётган корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 7544 та, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига 48198 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эса 7855 та иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг май ойидан бошлаб Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси билан ҳамкорликда жойларда коллеж битирувчилари учун корхона ва ташкилотлар иштирокида 56 марта ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Умуман олганда эса, 2012-2013 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан аксариятининг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, янги ўқув йилида 38 минг 486 нафар биринчи синф ўқувчиларига 1059,6 млн. сўм миқдорида 12 номдаги ўқув ашёлари тарқатилган бўлса, 25 минг 759 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 1402,0 млн. сўмлик қишки кийимлар етказиб берилди. Шунингдек, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан етим ва ногирон ўқувчилар ҳам қўллаб-қувватланди.

Шунинг баробарида, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизи бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш учун Тошкент шаҳар тижорат банклари томонидан 153 та мижозга 6551,0 млн. сўм миқдорида, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳаракатидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 193 нафарига 9615,0 млн. сўм ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 998 нафар мижозга 171857,0 млн. сўм кредит ажратилди.

Тошкент шаҳридаги ҳудудий корхоналар томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 329 та лойиҳа амалга оширилиб, натижада 607,8 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шундан биргина жорий йилнинг ярим йилида ишлаб чиқарилган ошхона буюмлари, кир ювиш воситалари, маиший кимё буюмлари ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларнинг қиймати 36,4 млрд. сўмни ташкил этади.

Юртимизда фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси масаласи тараққиётимизнинг кафолати бўлган тамойиллардан бири сифатида белгиланган бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги "2011-2015 йилларда ёлғиз кекса пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳиятида ҳам, аввало, инсон манфаатлари мужассам. Шу маънода, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 592 нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронларнинг 588 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллик аниқланганлари амбулатор, стационар ҳамда уй стационар шароитида даволанди.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан ҳам жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг қонуний ҳимоясини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ҳамда бу борадаги қонунбузилишларни бартараф этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, қонунларга риоя этилиши бўйича ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан жами 7331 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномалари асосида мансабдор ҳамда моддий жавобгар шахсларнинг 2823 нафари интизомий, 752 нафари маъмурий ва 719 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга жами 1215 та 2,3 млрд. сўмлик даъво аризалари киритилди, фуқароларнинг 4453 та мурожаати ҳал қилиниб, 477 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 178 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари ходимлари томонидан аҳоли ўртасида, иш жойларида, таълим муассасалари ва бошқа жойларда қонунларни тарғиб қилиш борасида жами 10 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Юқорида юртимизда ҳар бир йилга ном бериш эзгу аньанага айлангани ҳақида тўхталган эдик. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир" номли маърузасида кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилди. Шунингдек, мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она ва соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг кўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида тан олинганини таъкидлаб, "Соғлом бола йили" Давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини белгилаб берди.

Президентимиз шунингдек, қабул қилинадиган дастурда соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта эканлиги, соғлом фарзанд тарбиялашда аҳоли, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этишини билдирди. Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларни кучайтириш, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозимлигига, бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби масалалар ҳам ўз ифодасини топиши кераклигига эътибор қаратди.

Юқорида баён этилган барча устувор вазифаларни амалга ошириш учун эса мавжуд норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришни талаб этилади. Бу ўз навбатида, бошқа соҳалар каби прокуратура органларини олдига ҳам ўта масъулиятли вазифаларни қўяди. Бунинг учун аввало, юртимизда қабул қилинган қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларига, айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни амалга оширилишини янада жадаллаштириш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда ҳам прокурор назоратининг самарадорлигига эришиш лозим бўлади. Шу билан бирга, прокуратура органлари фаолиятининг барча йўналишларида олиб борилаётган ишлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" руҳи ва қоидалари асосида ишлаб чиқилган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига тамомила мос келиши, унда қўйилган улуғвор мақсадларни рўёбга чиқариш учун хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим.

Хулоса ўрнида Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни лозим топдик: "...ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг улуғвор йўналиши бўлиб қолиши шарт".

# Мурожаатлар эътиборда

***Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини таъминлашда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда қонуний ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этгани боис, бугунги кунда мурожаатларни ҳал этишнинг миллий қонунчилик базаси яратилди. Унинг асосини эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.***

Бош Қонунимизнинг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт", деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, Конституциямиз том маънодаги демократиянинг асл мазмунини акс эттириб, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни оқилона уйғунлаштирмоқда. Конституциямиздаги инсон ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқ тамойилларнинг ҳаётийлигини таъминлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ҳамда муддатларини белгилаш мақсадида 1994 йилда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Шунга кўра, прокуратура органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш вазифалари белгиланганди. Шунингдек, бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимида бўлаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган миллий институтлар тизими шакллантирилмоқда. Юртимизда амалга оширилган демократик ислоҳотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, бу борада фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Шу тариқа 2002 йилда Олий Мажлис томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳам мазкур қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлимга мурожаат этган фуқароларнинг 7 нафарига давлат рўйхатидан ўтган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кўмак берилди. Натижада туманда яна 13 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, "Шарқ Юлдузи" ҚФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Раҳмонжон Раҳимов ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида эканлиги, рўйхатдан ўтишда ва яшик цехи ташкил этишда амалий ёрдам беришимизни сўраган.

Бўлимимиз томонидан Р.Раҳимовга банкдан кредит олиш ва яшик цехи ташкил этишда кўмак берилди. Ҳозирда мазкур цех фаолият юритиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бозор иқтисодиётига асосланган, ижтимоий йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар замирида, шубҳасиз, инсон манфаатлари ётади.

**Шерзодбек ТОШБОЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Янгиқўрғон туман бўлими суриштирувчиси

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 декабрь.

## Халқаро ҳамкорлик

**Олимжон ЖЎРАЕВ,**
Бош прокуратура бўлим
бошлиғи вазифасини бажарувчи

Жорий йилнинг 10-12 декабрь кунлари Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигининг Тергов Бош бошқармаси ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ходимларидан иборат ишчи гуруҳ БМТ Наркотик ва жиноятчилик бошқармаси билан ЕХҲТ ҳамкорлигида Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида ўтказилган "Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриш борасида халқаро ҳамкорлик соҳасида тажриба алмашуви" мавзусидаги халқаро семинарда иштирок этди.

Семинарда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикасининг прокуратура, суд ва тергов органлари вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда терроризм ва уни молиялаштиришга қарши курашишнинг илғор тажрибалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, унда терроризм ва уни молиялаштиришга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, бунда умумэътироф этилган халқаро Конвенция, миллий қонунчилик ва регионал характердаги ҳамкорлик воситаларидан, Интерпол имкониятларидан, шунингдек, илғор халқаро тажрибалардан фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон вакиллари бу турдаги жиноятларга қарши курашда республикамизда яратилган норматив-ҳуқуқий база, хавфнинг олдини олиш, профилактика қилиш ҳамда бу каби ҳаракатларни тергов қилиш тизими билан йиғилганларни таништиришди. Шунингдек, терроризмнинг олдини олишда амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик хусусида ҳам семинар иштирокчиларига айтиб ўтилди.



## Фарзанд ташвишида

*Қизим Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда туради. Шу йилнинг июнь ойида турмушга чиқиб, Юнусобод туман ФҲДЁ органида никоҳдан ўтди. Куёвим Бухоро шаҳрида доимий рўйхатда туради. Ҳозирги пайтда Тошкент Давлат юридик университети талабаси.*

*Айтингчи, куёвим "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддаси иловасининг қайси моддаси билан турмуш ўртоғининг номидаги шахсий уйга доимий рўйхатга туриши мумкин?*

**Р.Қурбанова,** Юнусобод тумани

Куёвингиз сиз тилга олган қонун билан тасдиқланган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг РЎЙХАТИ"нинг 5-бандига мувофиқ, хотини доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, камида бир йил биргаликда яшаганидан кейин доимий рўйхатга туриши мумкин.

## Имкони борми?

*Биз бир неча йил давомида фарзандли бўлмаганлигимиз сабабли бир чақалоқни фарзандликка олдик. Ҳаммаси қонуний тартибда расмийлаштирилди. Лекин болани доимий равишда парвариш қилиш учун битта одам, яъни онаси ҳар доим ёнида бўлиши керак. Айтингчи, бунинг учун таътил олса бўладими? Агар мумкин бўлса, таътил қанча муддатга берилади?*

**З.Наримонов,**
Чирчиқ шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Меҳнат кодексида айнан шу каби ҳолатларни тартибга солишга қаратилган норма мавжуд. Хусусан, мазкур кодекснинг 235-моддасида янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан, эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса, етмиш календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади, дейилади. Бундан ташқари, бу каби шахсларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қўшимча таътиллар ҳам берилади.

## Бунга ким қарайди?

*Кейинги пайтларда кўп қаватли уйларда ҳам ит ва мушуклар сақлаш жуда урф бўлиб бормоқда. Ана шундай ити бор қўшниларимиз ҳар куни ити билан сайр қилишга чиқишади. Уларга яқин боришга ҳам қўрқасан. Чунки, улар қутуришга мойил ҳайвонлардан саналади. Айтингчи, итларни эмлайдиган ва рўйхатга оладиган ташкилот борми? Бунга ким қарайди?*

**Ш.Арслонов,** Тошкент шаҳри

Аҳоли пунктларида итлар рўйхатга олиниши ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказилиши тегишли давлат ветеринария бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш Қоидалари"да белгиланишича, рўйхатга олиш итларни дастлабки вакцинация қилишда амалга оширилади. Итларни рўйхатга олишда итларнинг эгаларига белгиланган тартибда итларни рўйхатга олиш гувоҳномаси берилади.

Ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш итларни такроран вакцинация қилишда амалга оширилади. Бу ҳақда итларни рўйхатга олиш гувоҳномасига тегишли белги қўйилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли давлат ветеринария бўлимларига итларни қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун итларни сақлайдиган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади.

Зотидан қатъи назар, 3 ойликдан бошлаб итлар вакцинация қилиниши керак. Янги сотиб олинган итлар, агар улар вакцинация қилинган муддат номаълум бўлса, сотиб олингандан кейин бир ҳафта муддатда вакцинация қилиниши ва рўйхатга олиниши керак.

Итларни рўйхатга оладиган давлат ветеринария бўлимлари:

вакцинация қилишда харажатлар белгиланган тартибда қопланган ҳолда рўйхатга олиш гувоҳномасини ва жетон шаклидаги рўйхатга олиш белгисини (итнинг бўйинбоғига маҳкамланади) ёки микрочиплар (тери остига киритилади) беришга;

итларнинг эгаларини ушбу Қоидалар билан таништиришга мажбур. Бу ит эгасининг итни рўйхатга олиш гувоҳномасига қўйиладиган имзоси билан тасдиқланиши керак.

Ушбу Қоидаларга риоя этилишини ички ишлар органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

## Интилганга имконият

*Мен ўқишни тамомлаганимдан кейин тадбиркорлик билан шуғулланиб, оиламга ёрдамлашмоқчиман. Катта маблағим бўлмаганлиги боис, ўз ҳунаримдан фойдаланишни ният қилдим. Шунинг учун якка тартибдаги тадбиркорлик ҳақида менга озгина тушунча берсангиз.*

**Ў.Ҳакимов,** Янгибозор тумани

Жисмоний шахснинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, ўзига тегишли бўлган мол-мулк билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиши якка тартибдаги тадбиркорликка киради. Яъни бир ўзи амалга ошириладиган фаолият тушунилади.

Агар сиз бу ишни ҳунармандчилик фаолияти асосида амалга оширадиган бўлсангиз, товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақли бўласиз.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади ҳамда амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузаётганида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини, агар бу битимларни тузиш вазиятининг ўзидан аниқ англашилмаса, кўрсатиши керак. Бундай эслатманинг мавжуд эмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжати бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлиги ҳақида далолат бериши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**
Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг.
Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради.
Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

**Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.**

# Бахтин кўринг, Ўзбекистон болаларининг!

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган муваффақиятларда жамиятимизни ривожлантириш, давлат бошқаруви ва тараққиётининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти беқиёс. Барчага яхши маълумки, ҳар йили Бош Қонунимиз қабул қилинган кун катта тантана билан нишонланар экан, халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилади.***



**Рашидбек МЕҲМОНОВ,**
Бош прокуратуранинг
ОЎК тингловчиси

Мана шу эзгу анъанага амал қилинган ҳолда, жорий йилнинг 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимиз янада тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бундай ишларни изчил давом эттириш мақсадида Юртбошимиз томонидан кириб келаётган янги — 2014 йил мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёш авлоднинг таълим-тарбияси, она ва бола саломатлигини сақлаш, оила муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу жараёнга эса йилларга ном берилишида ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, 1998 йил — "Оила йили", 2000 йил — "Соғлом авлод йили", 2001 йил — "Оналар ва болалар йили", 2008 йил — "Ёшлар йили" ва 2010 йил — "Баркамол авлод йили". Шулардан ҳам кўриниб турибдики, эртанги кун эгаларини ҳар жиҳатдан баркамол этиб вояга етказиш жараёнлари босқичма-босқич жадаллаштириб борилмоқда.

Халқимиз ўзининг азалдан болажонлиги, бутун умрини фарзандларига бахшида этиши билан бошқа миллатлардан ажралиб туради. Дарҳақиқат, бизда ота-оналарнинг барча саъй-ҳаракатлари фарзандларини соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, илмли қилиш, уйлантириш ёки чиқариш, уйли-жойли қилиш, қисқаси, бола дунёга келганидан ўзлари ёруғ оламни тарк этгунларига қадар фарзанди ташвиши билан яшайди. Ер юзида бошқа бундай халқ топилмаса керак. Шунинг учун ҳам юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ баркамол шахсни шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, миллий маданият ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ижодий қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш баробарида ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратилди.

Асосий Қонунимизда фуқаролар, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш энг асосий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, унинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши белгиланган. Бундан ташқари, истиқлол йилларида давлатимиз томонидан инсон манфаатлари, хусусан, бола ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро битимлар имзоланди. Жумладан, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг ратификация қилиниши юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин далилидир.

2008 йил 7 январда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 11-моддасида ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланди. 22-моддасида эса, боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатланиб, давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратиши, болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлаши белгилаб қўйилган. Шу моддада белгиланишича, боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи давлат томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади:

— малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;

— боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси;

— болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;

— талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;

— боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғи ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш;

— касбга яроқлиликни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш;

— санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш;

— соғлиғининг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Маълумки, боланинг эртанги келажаги унинг қандай шароитларда илм олишига, касб-ҳунар эгаллашига боғлиқ. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятига кўра, ёш авлоднинг чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишини таъминлашдек эзгу мақсадга қаратилгандир. Шу билан бир қаторда, давлатимиз томонидан ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштиришга, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мактаб ва коллеж ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга, шундай эзгу ва олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Яратиб берилган қулай шарт-шароитлар боис спортчиларимиз орасидан Осиё, жаҳон ва олимпиада мусобақалари ғолиблари етишиб чиқмоқда. Улар мустақил Ўзбекистон байроғини халқаро спорт аренааларида юқори кўтариб, халқнинг ғурур ва ифтихорига айланмоқда. Биргина мисол, болалар футболига берилаётган юксак эътибор натижасида 17 ёшгача бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2011 йили Мексикада ўтказилган кичик мундиалда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кучли саккиз терма жамоа орасидан жой олган бўлса, 2012 йили ўз тарихида илк бора 16 ёшгача бўлган ўзбекистонлик ўсмир футболчилар Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлишди.

Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратиш кераккки, спорт нафақат ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ва жисмоний етуклигининг гарови, балки ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишнинг ҳам самарали воситаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, боланинг соғлом ва баркамол вояга етиши ҳамда унинг ҳуқуқлари доимо давлат эътиборида қонун билан ҳимояланишини яна бир карра намоён этмоқда.

# Мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий асоси

***Маълумки, ҳар қандай демократик давлатнинг Асосий Қонуни унда истиқомат қилаётган халқларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, маданияти ва маънавиятини ифода этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам айни шу қадриятларга хизмат қилиш билан бирга, унда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ҳамма жабҳалари ва унда истиқомат қилаётган барча миллат, элатларнинг тили, дини, анъаналари, урф-одатлари ҳурмат қилиниши таъминланган ва уларнинг ривожланиши учун кенг ҳуқуқий асослар яратилган.***

**Элёр АСЛОНОВ,**
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида янги Конституцияга баҳо бериб: "Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги тамойиллари, аввалги Конституциялардан фарқи нималардан иборат? Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик", деган эди. Асосий Қонунимиз ўзида акс эттирилган инсон, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтаришдек халқимизга хос олижаноблик хусусиятлари билан мустақилликкача амалда бўлган Конституциялардан тубдан фарқ қилади. Бугунги кунда Юртбошимизнинг ташаббуси билан Асосий Қонунимизда қайд этилган ҳар бир қоиданинг тўғри ва аниқ талқин этилиши, шунингдек, уларнинг фақат инсон манфаатлари учун хизмат қилиши борасида бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2005 йил 8 августда қабул қилинган Президентимизнинг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ҳам бунинг яққол мисолидир. Мазкур Фармон Конституциямизнинг 44-моддасида қайд этилган "Ҳар бир шахсга ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади", деган қоида билан уйғунлик касб этади.

Модомики, давлатнинг амалдаги қонунлари инсон манфаати учун хизмат қилаётган экан, бу мамлакатнинг ривожи, халқ фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади демакдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юртпарварлик, халқчиллик сингари хусусияти шундан иборатки, унда янги мулкчилик шакллари, иқтисодий негизи, мустақил тараққиёт ва халқ ҳокимиятчилиги, давлат ҳокимияти кимга тегишли ва у қандай шаклда амалга оширилиши лозимлигини ўзида қонуний ифода этган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг барча жиҳатлари билан келажаги буюк ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш учун кафолат бўла олади. Шунинг учун ҳам, уни бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда ҳамда унинг асосчиси бўлган Юртбошимиз бошчилигидаги катта илмий, назарий ва амалий тажрибага эга олимлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилардан иборат ижодий гуруҳ меҳнатини юксак баҳоламоқда. Бош Қонунимизда ҳуқуқ ва эркинликларимиздан ташқари, бурч ва мажбуриятларимиз ҳам белгилаб қўйилган. Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини авайлаб-асрашимиз керак. Атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш сингари бурчларимизни унутиб қўймаслигимиз ва унга қатъий амал қилишимиз, шунингдек, уни ёшларнинг онгига сингдириб боришимиз лозим.

Конституция том маънода мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Давлатимизда амалда бўлган барча қонунлар ана шу Асосий Қонунимиз асосида қабул қилинган ва яна зарур қонунлар қабул қилинади. Бу қонунлар эса аввало, давлатимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий ривожини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

*Мамлакатимизда аёлларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Улар учун турли имтиёзлар, имкониятлар яратилган. Жумладан, ёш болали оналарга тўланаётган нафақалар, фарзанд тарбиялаётган аёлларнинг иш соатлари қисқартирилганлиги, аксарият хотин-қизлар касаначилик асосида уйида меҳнат қилаётгани чинакам ғамхўрлик ифодасидир. Аммо ана шундай шароитда ҳам айрим аёлларнинг қинғир йўлларга кириши ўта ачинарлидир. Бундайлар ўз хулқ-атвори билан жамиятга салбий таъсир кўрсатаётганлиги бир муаммо бўлса, ўзгаларнинг ҳам ҳаётини издан чиқаришга уринаётганликлари яна бир муаммодир.*



# Бу кўчанинг боши берк

**Камоладдин ОЛЛАБЕРГАНОВ,**
Хоразм вилоят прокурори ёрдамчиси
**Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,**
«Huquq»

Юртимизда ахлоқсизлик азал-азалдан қаттиқ қораланади. Бу менталитетимизга мутлақо ёт бўлган иллат. Айниқса, ахлоқсиз аёлларга нисбатан атрофдагилар ўзгача нафрат билан қарайдилар. Илгарилари бундай аёллар билан саломлашиш, улар билан бир даврада ўтириш уят ҳисобланган. Бироқ кейинги йилларда глобаллашув эвазига юртимизга ғарб маданиятига оид яхши-ёмон одатларнинг кириб келиши айрим одамларни ахлоқсизликка нисбатан анча бефарқ қилиб қўйди. Оқибатда айрим нафси ҳакалак отган, ўзлигини унутган аёллар томонидан турли қилмишлар содир этилиши кузатиляпти.

Урганчлик Зуҳра Азимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлар сирасига киради. Муқаддам ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши амнистия актига биноан, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ва 117-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши эса томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилган. Афсуски, З.Азимова ўзига берилган имкониятлардан тўғри хулоса чиқара олмади. Қилмишлари қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, икки фарзандининг тарбиясига салбий таъсир қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Шаҳардаги кўп қаватли уйлардан бирида фоҳишахона ташкил қилиб, гоҳ енгил табиатли, гоҳ содда қизларни авраб, ўз измига солди. Сайёра, Нафосат, Малика, Нозима (исмлар ўзгартирилган) каби ёш қизлар унинг қурбонига айландилар.

— Ўзим сизларга қимматбаҳо тақинчоқлар олиб бераман, қўнғирчоқдек кийинтириб қўяман. Тез фурсатда уйли, машинали бўласизлар, — дея уларга қоп-қоп ваъдалар берди. Ҳали яхши-ёмонни ажратиб улгурмаган қизлар унинг сўзларига лаққа ишондилар ва таклифини қабул қилдилар. Энг даҳшатлиси эса Зарина исмли вояга етмаган ғўр қиз бетартиб жинсий мулоқотлар оқибатида тери-таносил касаллигини юқтириб олади.

Гулбаҳор исмли қиз судда берган кўрсатмасида ота-онаси вафот этганлиги, синглиси иккиси бувиси билан яшай бошлагани-ю, бувисига Урганчдан касб-ҳунар ўрганиб келаман, дея шаҳарга келгач, чойхоналардан бирида официантка бўлиб иш бошлаганлиги, тунги клубга борганида Зуҳранинг синглиси билан танишиб қолганлигини билдиради.

Бу каби кўрсатмалардан англашиладики, қизлар атрофдагиларнинг бефарқлиги, ўзларининг бесабрлиги, қаноатсизлиги туфайли Зуҳранинг қармоғига илинганлар. Зуҳра диск орқали турли порнографик фильмлар қўйиб бериш эвазига уларнинг онгини заҳарлайди. Гоҳ яхши сўзлар билан авраса, гоҳ қўрқитади. Қизлар ундан қўрққанидан, нима деса кўнадилар. Зуҳра қизларнинг устларидан қулфлаб қўяр, мижозлар берган пулларни қарзи кўплигини баҳона қилиб олиб қўярди.

Тергов ва судда Зуҳранинг отаси ҳам кўрсатма берган. У қизи Зуҳра оилавий келишмовчилик туфайли турмушдан ажрашганлиги, унинг фарзандларини ўз қарамоғига олганлиги, қизининг қинғир ишларидан хабар топгач, у билан борди-келдини йиғиштириб қўйганлигини айтган. Кимдир отага ачиниши, кимдир уни қоралаши мумкин. Балки у чет давлатларга бориб ишламасдан, фарзандлари олдида бўлганида, уларга тўғри тарбия берганида Зуҳра бундай йўлларга кирмасмиди, дегувчилар ҳам топилади.

Нима бўлганда ҳам ғишт қолипдан кўчди. Текин даромадни деб, ўзгалар тақдири билан ўйнашган, одам савдосидай мудҳиш жиноятга қўл урган, ўз фарзандлари тақдирига бефарқ муносабатда бўлган аёл жазосини олди. Суд томонидан З.Азимова ЖКнинг 130, 131, 135-моддалари тегишли бандларида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбдор, деб топилиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Орамизда Зуҳранинг қармоғига илинган қизлар каби калта ўйловчилар, енгил ҳаётни кўзловчилар кам бўлса-да, топилиб туради. Улар енгил, деб ўйлаган йўллар аслида боши берк кўча эканлиги, ҳаётлари бутунлай издан чиқиши, нафақат тери-таносил, балки бошқа дарди бедаво касалликларни ҳам юқтириб олишлари мумкинлигини ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди. Бундайларни тўғри йўлга бошлаш кўпни кўрган инсонлар зиммасидаги қарздир.

# Ота фарёди

## ёхуд жиловланмаган жаҳл қилмиши

*Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Аъзамжон бир зум ақли амридан қочиб, жаҳл отига минмаганида, инсонийликдан йироқлашмаганида, Эргашали ичкиликка муккасидан кетиб, ўзлигини йўқотмаганида...*

**Илҳомжон РАҲМОНОВ,**
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори
**Нилуфар НИЁЗОВА,**
«Huquq»

"Болам!.."

Ота нола қилади-ю, қай бир фарзанди учун фарёд ураётганини англаш қийин... Ерда юзтубан ётиб, ҳаёт билан видолашаётган катта ўғли учунми ёки аканинг кунда-кунора маст-аласт келиб, тўполон кўтараверишидан безиган, ниҳояда ақлнинг эмас, жаҳлнинг этагидан тутиб, қўлини ўз жигари қонига бўяган кенжаси учунми?! Онасиз, бир ўзи уларни оёққа турғизгунча озмунча қийинчилик тортдими?! "Энди ҳузурга кирдим", деганда бу яна нимаси?! Ноқобил фарзандлари дастидан яна юзи қора бўлди-ку?! Ҳеч банданинг бошига бу қора кунни солмасин!

...

Ўша куни Аъзамжон ўртоғиникидан 20 боғ похол олиб келди-да, ҳар доимги одати бўйича даҳлизда телевизор кўра бошлади. Келинойиси эса ҳовлида ўз ишлари билан куймаланиб юрарди. Шу пайт дарвоза тарақлаб очилиб, катта акаси Эргашали чайқалганча кириб келди.

Унинг бу ҳолатидан Аъзамжоннинг ғазаби қайнаб, ўрнидан туриб кетди. Бироқ келинойиси Нигора эрининг қаршисига югуриб борганини кўриб, индамай жойига ўтирди.

— Қаёқдан келяпсиз? — сўради Нигора ундан норози оҳангда. Сўнгра эрининг қўлидан етаклаганча уй томон етаклади. Бироқ бу Эргашалига ёқмади.

— Қўлингни торт! — ўшқирди у хотинига. — Мен билан ишинг бўлмасин!..

Нигора асабий тарзда "уф" тортди. Кунда аҳвол шу! Аслида Эргашали II гуруҳ ногирони. Соғлиғини, оиласини ўйласа, шу ичкилик ўлгурни оғзига ҳам олмасди. Қаёқда! Кунда улфат топила қолади. Оладиган нафақаси етмаса, оила аъзолари билан жанжаллашиб бўлса-да, пул топиб ичади. Ундан кейин маст-аласт келади-ю, хотинини дўппослайди, ҳовлида бақир-чақир қилади. Отасини, укаларини уятсиз сўзлар билан ҳақорат қилади, уни тинчлантиришга уринганларни ҳам беаёв калтаклайди. Хуллас, тонг отгунча тўполон бўлади... Бу ҳолат қачонгача давом этади, худо билади...

Аёл шуларни ўйлар экан, эрининг қаршилигига қарамай, уни ичкари томон етаклади. Аммо бир ўзининг кучи етмагани боис, кичик қайноғаси Аъзамжонни ёрдамга чақирди.

— Ака, юринг, уйга киринг... — келинойисининг ёнига кириб, Эргашалининг қўлидан тутди Аъзамжон. — Бироз дам олинг, ўзингизга келиб қоласиз...

Маст одамга гап уқтириш қийин. На муросага юради, на сўзингга қулоқ тутади. Эргашали ҳам шундай аҳволда эди. Хотини билан укаси ҳарчанд уринишмасин, уни уйига кирита олишмади. Аксинча, у яхшигина қаршилик қилгани етмагандек, Нигорани, айниқса, Аъзамжонни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлашини қўймасди. Боз устига, остонада турганча укасининг оёғига чунонам тепдики, мувозанатни йўқотган йигит ерга юзтубан йиқилаёзди. Бундан баттар жаҳли чиққан Аъзамжон сал нарида турган кетмонни қўлига олди-да, дастаси билан акасини ура кетди.

Шу пайт кетмоннинг олд томони дераза ойнасига тегиб, чил-чил синди. Бу орада калтак зарбидан ўзини олиб қочаётган ширакайф Эргашали ойна синиғида қўлини тилиб олди.

— Қонимни оқиздинг, ярамас! Ҳозир сенинг қонингни ҳам оқизаман! — у шундай дея ўшқирди-ю, шитоб билан омборхонага кириб, болта кўтариб чиқди. У шу алпозда укаси томон югурди. Бироқ ҳовли ўртасига етганда йиқилиб, болта қўлидан чиқиб кетди. Бу пайтда Аъзамжон ҳам ақлнинг измидан чиқиб, тизгинини жаҳл қўлига тутқазиб бўлганди. Шу боис, ерда ётган болтани олди-ю, чайқалганча ўрнидан туришга уринаётган акасининг боши узра кўтарди...

Бир зумда қий-чув бўлиб кетди. Кимдир "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилди... Афсуски, Эргашали аллақачон вафот этганди...

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судида Аъзамжон Кукановнинг мазкур жиноят иши кўриб чиқилди. У суд ҳукми билан ўн олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Эсиз умр... Эсиз ёшлик...

Юқоридаги фожиа замирида жаҳлга эрк бериш билан бирга, ичкилик ётибди. Аксарият кишилар уни "Ўз жиловимда тутиб тураман", деб ўйлайди. Аммо кўп ҳолларда унга қул бўлиб қолганини сезмайди.

Эшитгандирсиз, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур дунёни забт этгани билан кишини маст қилувчи ичкиликлардан ҳайиққан. Буни ўзининг "Тузук"ларида ҳам ёзиб қолдирган: "Ўғилларим ва фарзандларимга бир томчи бўлса-да, май ичиб хотинларига яқинлашишни ман қилдим..."

Эҳтимол, Эргашали ҳаётини ичкилик эмас, маърифат ёғдусига чўмганда, ушбу ибратли фикрларни ўқиган, оиласини кулфат «қучоғи»га отмаган бўларди. Ука ҳам унинг қилмишлари ортидан жаҳолатга берилиб, қўлини ўз жигари қонига булғамасди...

Жиловланмаган жаҳлнинг бу кирдикори ҳаммага ибрат бўлмоғи лозим. Зеро, сўнгги пушаймондан ҳеч ким фойда кўрмаган!

# Ўзга юртда йўлдан адашди

*Холмурод (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишлаш мақсадида Россияга кетмоқчи бўлди. Онасининг кўнгли хижил бўлиб, ўғлини йўлдан қайтаришга урина бошлади, "ишлаган одам ўзимизда ҳам кам бўлмайди. Мана, баҳор яқинлашиб қолди. Кунинг шу ерда ҳам ўтар...", дея ўғлини бу шаштидан қайтаришга уринди. Аммо ўғил гапга кўнмади.*

**Улуғбек КАМАЛОВ,**
Андижон вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Ўтган йилнинг февраль ойида бир неча нафар дўстлари билан Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига йўл олди. Улар шаҳар марказидаги аэропорт атрофида жойлашган қурилиш фирмасига бориб, ишга жойлашдилар. Шундай кунларнинг бирида Холмурод бир гуруҳ номаълум кимсалар таъсирига тушиб, ақидапарастлик йўлига кириб қолди. Ана шу пайтдан бошлаб Холмуроднинг дунёқараши ўзгарди. Телефон орқали интернетга кириб, хорижий сайт орқали тарқатилган экстремистик руҳдаги маърузаларни эшитгандан кейин, аста-секин дунёқараши заҳарлана бошлади. Холмурод булар тақиқланганини билса-да, тинглашда давом этди. Мазкур ақидаларнинг пуч ва бемаъни эканлигини, бу ғояларга жаҳоннинг барча давлатларида расман йўл йўқ эканлигидан хабардор бўлгани ҳолда, билганидан қолмади. Унинг тилида ҳам "жиҳод" деган сўз айланиб қолди. Маърузалар ёзилган видеороликларни интернетдан ўзининг уяли телефонига ўтказиб олди.

Санкт-Петербург — Наманган авиарейси орқали Ўзбекистонга учиб келган Холмурод бу пуч ва ботил ғояларни ҳам ўзи билан бирга Ватанимизга олиб келди. Алданиб улгурган бу кимса ўша ғоялар ва даъватлар таъсирига тушиб қолганлиги, уларнинг мазмуни ҳалокатли эканлигини мулоҳаза қилиб кўрмади. Шу тариқа қурилишда ишлаш учун кетган Холмурод диний оқим таъсирига тушиб, Туркистон ислом ҳаракати норасмий диний оқими аъзосига айланиб қолди. Қарангки, олис шаҳардаги ақидапарастлар навқирон ватандошимизни ҳам зулмат ва разолат гирдобига тортдилар.

Ёт ақидалар таъсирига тушиб қолган бу кимсанинг қилмишлари фош этилди. Тўғри йўлдан юриб, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига, ёвуз ниятли кишиларга қўшилиб қолган Холмурод жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг ҳукмига кўра олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Беихтиёр ўйга толасан киши, бугунги дориломон кунларни халқимиз озмунча кутдими? Она Ватанга қарши бориш, ўз миллатдошларининг юзига оёқ қўйишнинг оқибати неларга олиб келишини Холмурод бирор марта ўйлаб кўрганмикан? Биз бугун нимагаки эришган бўлсак, барчаси чексиз заҳматлар, интилишлар эвазига келган. Шундай экан, шу Ватанни муқаддас билиб, унга сидқидилдан, садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилиш барчамизнинг олий бурчимиздир.

# Жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш: миллий ва хорижий тажриба

***Ҳар бир давлат учун жиноятчиликка қарши курашиш ғоят муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айрим турдаги жиноятларга қарши курашни битта давлатнинг ўзи ҳал қила олмайди. Халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилганидагина уларга қарши самарали кураш олиб бориш мумкин. Жиноятчилар жиноят изларини яшириш мақсадида ҳар қандай чорани кўради. Ҳатто жабрланувчи ва гувоҳларни йўқ қилишдан ҳам қайтмайдилар. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги жабрланувчи ва гувоҳлар жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг ҳимоясида бўлса-да, улар жиноятчилар билан бирга қолганлиги туфайли маъмурият баъзи ҳолларда уларнинг хавфсизлигини тўла таъминлай олмайди.***

**Аҳрор АБДУЖАББАРОВ,**
Бош прокуратуранинг ОЎК бўлим бошлиғи

Ушбу муаммо деярли барча давлатларнинг жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд. Жиноятчилар жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан жуда шафқатсиз чораларни кўришади. Қонунларда эса жабрланувчи ёки гувоҳларнинг кўрсатма беришдан бош тортганлиги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таркибига киритилган. Шунинг учун ҳам, бундай ҳолларда фуқаролар гувоҳлик бергани учун жиноятчилар берадиган оғир жазодан кўра, қонунда белгиланган жазони олишни маъқул кўради.

Бу билан биз гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши ёки ёлғон гувоҳлик бергани учун жазони кучайтириш керак деган фикрдан йироқмиз. Шуни таъкидламоқчимизки, жабрланувчи ёки гувоҳ кўрсатув берар экан, энг аввало, ўзи ва қариндошларининг хавфсизлиги тўла таъминланганлигига етарли ишонч ҳосил қилган бўлиши керак.

Кейинги йилларда Россия қонунчилигида маҳкумлар, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Масалан, Жиноят-ижроия кодексида маҳкумни хавфсиз жойга ёки бошқа муассасага ўтказиш, маҳкумнинг шахсий хавфсизлигини таъминловчи ёки унинг хавфсизлигига таҳдидни бартараф этувчи оператив чораларни кўриш назарда тутилган.

Баъзан жиноят содир этишда айбланиб, жазога ҳукм қилинган шахс бошқа бир жиноят бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида ишда иштирок этади. Бундай шароитда айрим давлатларнинг Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган чоралар маҳкумнинг хавфсизлигини етарли даражада таъминлай олмайди. Шу муаммони ҳал қилиш мақсадида МДҲ давлатларининг Жиноят-процессуал кодексларида (Ўзбекистон ЖПКнинг 19, 537-моддалари) гувоҳ ва жабрланувчининг, шунингдек ишда иштирок этаётган бошқа шахснинг ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилганда иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади.

Россияда гувоҳлар ва жабрланувчиларга тазйиқ ўтказиш муаммоси кескин тус олганлиги ҳисобга олиниб, 2004 йил 20 августда "Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, 2006 йил 10 апрелда эса гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастури қабул қилинди.

Америка Қўшма Штатларида 1970 йили "Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, давлат фойдасини кўзлаб ишда қатнашаётган кишиларга маълум шартлар асосида иммунитет ҳуқуқи берилди. Мазкур қонунда биринчи бор жабрланувчи, гувоҳ, жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ҳамда жиноят фош этилишига кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини қонун орқали таъминлаш белгиланган эди.

1982 йил 12 октябрда АҚШ Конгресси томонидан "Жиноятдан жабрланганлар ва гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган ва уларнинг ҳимоясини таъминламасдан туриб, одил судловни амалга ошириш мумкин эмаслиги таъкидланган. Германияда 1986 йилда "Жабрланувчининг ҳимояси тўғрисида"ги, 1990 йили "Гувоҳнинг ҳимояси тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинган. Ушбу давлатнинг 1994 йили қабул қилинган "Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Қонунида жабрланувчи ва гувоҳларнинг анонимлигига алоҳида аҳамият берилган. Ўша йиллари Франция, Италия ва бошқа давлатларда жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича шундай қонунлар қабул қилинди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш хорижий давлатларда ҳам кам тадқиқ этилган.

Озодликдан маҳрум қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш институтини ҳуқуқий тартибга солишда жиноят процесси қатнашчиларидан ташқари, судга кўмаклашаётган шахслар хавфсизлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:**

**I. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Улуғбек кўчаси 80-уйда жойлашган Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги "Нотурар жой" қисми.**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— бинонинг қурилиш ости майдони — 180,2 кв.м.;
— умумий фойдаланиш майдони — 153,5 кв.м.;
— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 116 309 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**II. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри А.Навоий кўчасида жойлашган "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонасига қарашли 244-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотурар жой қисми".**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— бинонинг қурилиш ости майдони — 150,79 кв.м.;
— умумий ер майдони — 150,79 кв.м.;
— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 89 245 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Уй-жой фондини хусусийлаштириш.

**III. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Қорасув кўчаси 7-уйда жойлашган "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонасига қарашли "Пахтани қайта ишлаб чиқариш цехи" биноси.**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— бинонинг қурилиш ости майдони — 339,33 кв.м.;
— умумий ер майдони — 339,33 кв.м.;
— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 136 470 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Уй-жой фондини хусусийлаштириш.

**IV. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳудудида жойлашган "Кучлик нефть базаси" УК балансидаги "Ангрен нефть базаси".**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 163,60 кв.м.;
— умумий ер майдони — 1,5 га;
— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 834 057 000 сўм.**

Балансда сақловчи: "Кучлик нефть базаси" УК.

Фаолият ихтисоси: Нефть маҳсулотларини етказиб бериш.

**V. Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Красногорск қишлоғида жойлашган "Жанубий кон бошқармасига" қарашли "Механик таъмирлаш цехи" биноси.**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 2368,32 кв.м.;
— умумий ер майдони — 1,65 га;
— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 860 907 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Жанубий кон бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Кон металлургия.

**VI. Тошкент вилояти Янгийўл тумани Қатортол кўчасида жойлашган Янгийўл тумани "Ободонлаштириш бошқармасига" қарашли "Сундус" ташкилотининг бино ва иншоотлари.**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 1795,26 кв.м.;
— умумий ер майдони — 0,55 га;
— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 817 672 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Янгийўл тумани "Ободонлаштириш бошқармаси".

Фаолият ихтисоси: Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс: (8-371) 228-79-52. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 январь куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 3, 17 февраль ва 3 март кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

**Маълумотлар учун телефон:** (8-371) 228-79-52. Факс: (8-371) 228-79-52.

**Электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

**Хизматлар лицензияланган**

*Қиш чилласи чиқишига ҳали уч-тўрт кун борлиги учун бўлса керак, ҳаво анча совуқ. Айниқса, куннинг иккинчи ярмида қор тиниб, совуқ янада забтига олди. Якшанба бўлгани боис, ўқишга бормай, эрталаб кўчага чиқиб кетган Мехти (исм-фамилиялар ўзгартирилган) анчагача дайдиб юрди-да, соат 16:00ларда Чилонзор туманида истиқомат қилувчи танишининг уйига йўл олди. Тополмади. Нима қилишни билмай, ўйланиб тургач, бир қават пастда яшайдиган Оляниг эшигини тақиллатди.*

# Эсиз, ёшлик...

**Абдуқодир ГУЛАМОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Совуқдан "дир-дир" титраганча, у билан салом-алик қилар экан, таниши уйда йўқлигини айтиб, исиниб олишга рухсат сўради. Олтмиш ёшни қаршилаган аёл қўшнисининг оғайнисини яхши танигани сабабли, унга раҳми келди ва ичкарига киритди. Унинг айнан шу раҳмдиллиги кейинчалик унга қимматга тушди.

Меҳмонни залга олиб кирган аёл тезда чой дамлаб келди. Иссиқ чойдан кейин совуқдан карахт бўлиб қолган Мехти ўзига келиб, у ёқ бу ёққа аланглар экан, кўзи бехос сервантга тушди-ю, хаёли бўлинди.

"Шошма, ахир бека айнан шу ерда пулларини сақлайди-ку! Устига-устак бир ўзи яшаса... Пулларни олсам, қандай бўларкин?.." Шундай фикрлар хаёлидан ўтар экан, беканинг ўзи унга шароит яратиб берди. У чойни янгилаш учун ошхонага йўналган эди, Мехти ўша заҳоти ўрнидан туриб, сервантни очди. Қўлига илинган бир даста пулни олиб, шоша-пиша чўнтагига тикди-да, яна ўрнига қайтди.

Орадан бир-икки дақиқа ўтмай, бека кириб келди ва чойнакни стол устига қўйиб, нима учундир сервантни очди. Қўли билан ичкарини тимирскилар экан, Мехтига ўгирилди ва секингина:

— Пулларим йўқ-ку! — деди овози титраб.

— Нима? Қанақа пуллар? — Мехти шундай дея шошилиб ўрнидан турди. — Қанча эди?

— Кўп эмас. Атиги 28 минг сўм. Аммо биласанми, бу пуллар менга қанчага етади? Ахир бир ўзим яшасам... Шошма, мабодо, сен олмадингми? Йўқ, дейсанми? Ундай бўлса, тезда милицияга хабар бериш керак...

У шундай дея телефон томон юрар экан, Мехтининг назарида ҳозирнинг ўзида милиция ходимлари кириб келиб, уни ушлаб оладигандек туюлди. Нима қилаётганини ўйлаб ҳам ўтирмай, стол устида ётган пичоққа ташланди. Сопи билан эндигина телефонни қўлига олган аёлнинг бошига кетма-кет зарба берди. Бунга қониқмай, тиғ томони билан яна ура кетди. Атроф қонга беланди. У аёл ерга йиқилгандан кейин ҳаракатдан тўхтади. Ана шундагина ўзига келиб, даҳшатга тушди. Мияси яшин тезлигида ишлар экан, оғайниси Артурни эслаб қолди ва унга қўнғироқ қилиб, қаердалигини айтдида, тез етиб келишни тайинлади. Ўзи эса бу ерда ортиқ туролмаслигини ҳис қилиб, кўчага чиқиб кетди.

Оғайниси келгач, ичкарига киришди. Артурнинг кўзи жасадга тушар экан, ранги оқариб, тили айланмай қолди. Мехти бўлса, бўлар иш бўлгани, энди хонадонга босқинчилик уюштирилгани ҳақида таассурот қолдириш учун, ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқариш кераклигини айтиб, нарсаларни у ёқдан бу ёққа ота бошлади. Бироқ Артур ўрнидан қўзғалмай, серрайиб тураверди. Хонанинг "авра-астари"ни чиқарган Мехти қонга беланган пичоқни олиб, шеригини ташқарига бошлади. Кўчада улар такси ушлаб, тиббиёт академияси томон йўл олишди. Йўл-йўлакай Мехти машинани тўхтатиб, пичоқ билан эгнидаги қон юқи бўлган курткасини анҳорга ташлаб юборди. Сўнгра, Артурни уйига олиб бориб қўяр экан, бировга айтмасликни тайинлади...

Кўп ўтмай, атиги 28 минг сўмни дея қотилликка қўл урган жиноятчи ушланди. Ачинарлиси, Мехти Сулаймонов ҳам, унинг оғайниси, ушбу жиноят ҳақида билгани ҳолда, бу ҳақда тегишли органларга хабар қилмаган Артур Панов ҳам ёшлари ҳали йигирмага ҳам етмаган йигитчалардир. Начора, улар келажаклари ҳақида қайғуришмади, ўзларига ўзлари чоҳ қазишди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан ҳар иккала айбланувчига қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

# Қонуний ишласанг, барака топасан

***Инсон қайси соҳада ишлашидан қатъи назар, қонуний фаолият юритса, давлат томонидан белгиланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўласа, ҳеч қачон қоқилмайди. Аксинча, даромад ҳамда солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириб, камайтириб кўрсатса, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўламаса, охир-оқибат қонун олдида жавоб беради.***

**Шухрат ВОХИДОВ,**
Бош прокуратура ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси прокурори

"Best Complekt service" МЧЖ раҳбари лавозимида қисқа фурсат фаолият юритган Зоир Йўлдошев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қонунларимизни четлаб ўтмоқчи бўлди. У савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини менсимай, юртимизда қонун билан белгиланган савдо қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйган. Шунингдек, мазкур жамиятнинг собиқ раҳбари Баҳром Парпиев ҳам МЧЖнинг таъсисчиларидан бири бўлгани боис, бир чеккада қараб турмаган. У жамиятнинг барча фаолиятларига бошқош бўлиб, молиявий ишларда эса МЧЖнинг бош ҳисобчиси Сергей Ивановга мунтазам равишда кўрсатмалар берган. Аслида барча банк ва молиявий шартномаларга устаси фаранг бўлиб кетган Б.Парпиевнинг маслаҳатларисиз янги директор лавозимига тайинланган З.Йўлдошев бирорта ҳам шартномаларга имзо чекмас эди. Ана шундай ноқонуний шартномалардан бири "Startle Tranc Impex" МЧЖ билан 2011 йил 20 июнда тузилган бўлиб, унга кўра қурилиш моллари харид қилиш учун ёзилган 90 млн. сўмлик ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилган. Бу каби ҳисоб-фактуралар бир неча бор рақамланиб, ягона ишончнома билан рўйхатга олинган. Бир қанча ҳисоб-фактуралардан сўнг "Best Complekt service" ҳамда "Startle Tranc Impex" масъулияти чекланган жамиятлар ўртасида ҳужжатлар солиштирилиб кўрилганда, 2011 йилнинг 2 август ҳолатига савдо қиймати 1 млрд. 20 млн. сўмни ташкил этганлиги маълум бўлади.

З.Йўлдошев тиниб-тинчимаганлар тоифасидан бўлганлиги боис, "Туронбанк" ОАТБга мурожаат қилиб, у ерда ҳам молиявий операцияларни устамонлик билан бажаради. У банкдан "Best Complekt service" МЧЖ ҳисобига 955 млн. сўмни ғирромлик билан ўтказиб олишга эришади. Шу орада у қурилиш ишларини олиб бориш тўғрисида "Orion pro service" МЧЖ билан ҳам 595 млн. сўмлик шартнома тузиб, ўтказилган пулнинг ярмини ўз фойдаси учун банкдан нақдлаштириб олади.

Сохта ва ғайриқонуний равишда шартномалар тузишга одатланиб қолган "Best Complekt service" МЧЖнинг мутасаддилари кейинчалик "Barum gold" МЧЖ билан ҳам қурилиш материалларини сотиб олиш учун 16 млн. 200 минг сўмлик қалбаки шартнома имзолайдилар.

Сохта шартномалар тузишга устаси фаранг раҳбарнинг қинғирликлари фақат шулардангина иборат эмас. Яъни у белгиланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайди. Жумладан, 2011 йилнинг 3 чорак ҳолатига кўра, жамият учун ягона солиқ тўлови 51 млн. 810 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, бу суммани тўлаш МЧЖ раҳбарининг хаёлига ҳам келмайди. Боиси, бу борада анча тажриба тўплаган Б.Парпиев янги раҳбарга ёрдам қўлини чўзади. У бош ҳисобчи С.Иванов билан тил бириктириб, Чилонзор тумани ДСИга сохта маълумотлар киритилган ҳисобот тақдим этади. Бунинг натижасида ушбу сумма тўланмай қолиб кетаверади.

Энг қизиғи, озиқ-овқат маҳсулотларига умуман алоқаси бўлмаган "Best Complekt service" МЧЖ "Omad Ishonch servis" масъулияти чекланган жамиятига қанд етказиб беришни ваъда қилиб, у билан 432 млн. сўмлик шартнома тузади. Аммо маҳсулотдан дарак бўлмайди. Харид учун ўтказилган пуллар эса МЧЖнинг мансабдорлари томонидан талон-торож қилиб юборилади...

Тергов ҳамда суриштирув жараёнида тўпланган далилларга кўра, "Best Complekt service" МЧЖнинг таъсисчиси, директори ҳамда бош ҳисобчининг ноқонуний фаолиятлари фош этилди. Бундан ташқари, масъулияти чекланган жамият раҳбарлари томонидан мансаб ваколати суиистеъмол қилингани, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритилгани, қалбаки шартномалар тузилгани, натижада эса давлат манфаатларига жиддий зарар етказилганлиги аниқланди.

Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Зоир Йўлдошев, Баҳром Парпиев ҳамда Сергей Ивановларнинг қилмишларига яраша Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жазо тайинлади.

Зеро, ҳар қандай фаолият қонуний бўлса, кўнгил тўқ, ишдан файз-барака аримайди.

# Ичкилик иллат, келтирар кулфат

***Ароқ ичган киши шайтоннинг дўстига ва кўмакчисига айланар экан. Шайтон измига юрган одамдан эса яхшилик чиқмаслиги турган гап. Шунинг учун ҳам азал-азалдан ҳар бир давр ва жамиятда бу жирканч иллатга қарши курашиб келинган. Чунки, бу иллат халқлар учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар манбаи бўлган. Тиббиёт ҳам ичкиликни қоралаган, унинг инсон вужудига, насли ва зурриётига бўлган салбий таъсирини исботлаб берган.***

**Алишер СУЛТОНОВ,**
Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси

Бу масаланинг бир жиҳати. Бошқа томондан олиб қараганда эса, ичкиликка муккасидан кетган одам ён-атрофидагилар, қариндош-уруғлар, умуман, жамиятда ўз ҳурматини йўқотади. Бундай иллатга ружу қўйганлар ўз оиласида ҳам, жамиятда ҳам муносиб ўрин эгаллай олмайди. Уйига ароқ ичиб, маст бўлиб келадиган ота қандай қилиб фарзандларига яхши ўрнак бўла олсин. Маст-аласт юриши билан кўпчиликка озор етказишининг ўзи ҳам атрофдагиларнинг унга нисбатан бўлган муносабатларини салбий томонга ўзгартириб юборади.

Халқимизда "Ичкилик иллат, келтирар кулфат", деган мақол бор. Дарҳақиқат, бу иллат инсон соғлиғи, жамиятдаги обрў-эътиборига зиён етказиш билан бирга, унинг бошига кулфат "ёмғирини" ҳам ёғдиради.

2013 йилнинг 8 май куни кечки пайт Андрей Сумаркин Ўрта Чирчиқ туманидаги "Янгиобод" маҳалласида истиқомат қилувчи Валентина Кивурина(исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг хонадонига кириб келганида жазмани ўзининг қўшниси Шокир Расулов билан "қиттай-қиттай" қилиб ўтирарди. Валентинанинг қўшни эркак билан спиртли ичимлик истеъмол қилаётганини кўрган Андрейнинг жаҳли чиқди. Бироқ аламини ичига ютиб, уларнинг даврасига қўшилди ва учовлашиб "олдик-олдик"ни давом эттиришди. Кетма-кет ичилган "шайтон суви" ўз таъсирини кўрсатиб, "улфатлар" ўртасида жанжал юзага келди. Бундан жаҳли чиққан А.Сумаркин жазмани билан биргаликда Ш.Расуловни гумдон қилиш режасини тузди.

Режани амалга оширишга астойдил бел боғлаган Андрей стулни олиб, "рақиби"га ташланди. Ошхона пичоғи билан қуролланиб олган Валентина эса Шокирнинг дуч келган жойига пичоқ урди. Икки томонлама ҳужум натижасида Ш.Расулов ҳушини йўқотди. Мастликда шерга айланиб, кўзи қонга тўлган Андрей бу билан тинчланишни истамади. Аёлнинг қўлидан пичоқни олиб, ишга киришди... Етказилган тан жароҳатлари натижасида Ш.Расулов оламдан ўтди.

Энди қотилларнинг олдида мурдани гумдон қилиш масаласи кўндаланг турарди. Бунинг ҳам иложини топишди. Мурдани ҳовлига олиб чиқиб, пичоқ билан марҳумнинг кийимларини кесиб олишди. Сўнгра болта ишга тушди... Марҳумнинг тана қисмларини палосга ўраб, ҳовли четига яширган қотиллар Ш.Расуловга тегишли барча нарсани ёқиб юборишди.

Барчасини пухта ва аниқ режа асосида амалга оширдик, деган ўй билан уйқуга кетган "севишганлар" тонгдаёқ жиноятлари фош бўлишини хаёлларига ҳам келтиришмаган бўлса керак. Эртаси куни соат 7:00ларда мурдани олиб кетишмоқчи бўлиб туришганида марҳумнинг қариндошлари бунга тўсқинлик қилиб қолишди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан қотил "ошиқлар"га узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, А.Сумаркин ва В.Кивуриналар ароқдан "қувват" олмаганларида мудҳиш жиноят қўл урмасликлари мумкин эди. Улар мастлик орқали ўзларига кулфат сотиб олишди. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш ҳеч қачон яхшилик олиб келмайди. Аксинча, аксарият ҳолларда жиноятга йўл очиб, одамлар бошига кулфат ёғдиради.

# Инсон эркинлигига таҳдид

*Бугунги кунга келиб, одам савдосидек жиноятдан жабр чекаётганлар сони, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Бу иллат инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётир.*

**Жанабай ШАНИЯЗОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси
бошлиғи вазифасини бажарувчи

